

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № 3

(ишларни бажаришга оид)

“ 28 ” феврал 2022 йил

Навоий ш

Хизмат кўрсатиш шаклида рўйхатдан ўтган “Мухаммад Мурод Келажаги” МЧЖ (бундан кейин матнда “БАЖАРУВЧИ” деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият кўрсатувчи жамият раҳбари **Неъматов Шокир Исмамович** бир томондан ва **Навоий вилоят Мактабгача таълим бошқармаси** (бундан кейин матнда “БУЮРТМАЧИ” деб юритилади) номидан Устав асосида фаолият юритувчи бошлиқ **Тиллаев Уткир Уктамович** иккинчи томондан, мазкур шартномани куйидагилар ҳақида тузишга келишдилар.

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 Мазкур шартнома бўйича “БАЖАРУВЧИ” “БУЮРТМАЧИ” га юк автомашинаси билан автотранспортда ташиш хизмати кўрсатиш, яъни юкларни буюртмачи буюртмасига биноан белгиланган манзилга етказиш (кейинги ўринларда “ХИЗМАТЛАР” деб юритилади) хизматини кўрсатиш, “БУЮРТМАЧИ” ушбу “Хизматлар” ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

### 2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 2.1 “БУЮРТМАЧИ”нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. “БАЖАРУВЧИ”дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. “БАЖАРУВЧИ”дан “Хизматлар” “БУЮРТМАЧИ”нинг ҳисобига бошқа транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. “БАЖАРУВЧИ”дан мазкур шартномага асосан бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган “Хизматлар” кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини “БАЖАРУВЧИ” дан талаб қилиш.

#### 2.2 “БУЮРТМАЧИ”нинг мажбуриятлари:

2.2.1. “Хизматлар” га мазкур шартноманинг 3.1 - бандида кўрсатилган нарх бўйича ҳақ тўлаш.

#### 2.3 “БАЖАРУВЧИ” қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган “Хизматлар” учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини “БУЮРТМАЧИ” дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган “Хизматлар” ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини “БУЮРТМАЧИ” дан талаб қилиш.

#### 2.4. “БАЖАРУВЧИ” қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. “БУЮРТМАЧИ” га мазкур шартномага мувофиқ ёки “БУЮРТМАЧИ” томонидан мазкур шартноманинг 4.6-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган буюртманомага мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда “Хизматлар” ни кўрсатиш;

2.4.2 “БУЮРТМАЧИ” томонидан белгиланган хизматларни 2022 йилнинг 31 декабрь кунига қадар тугатиши лозим.



### **3. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 55 419 760 (Эллик беш миллион тўрт юз ўн тўққиз минг етти юз олтимиш ) сўмни ташкил этади.

3.2. Кўрсатилган “Хизматлар” учун тўлов пул кўчириш йўли билан олдиндан умумий сўммининг 30 фоизи яъни 16 625 928 сўм тўлаш, қолган қисмини ташиш хизматлари бажарилгандан сўнг амалга оширилади.

### **4. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ**

4.1. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.2. “Хизматлар” ни қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.3. “БУЮРТМАЧИ” муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган “Хизматлар” ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.4. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда “Хизматлар” кўрсатилиши ушбу ассотиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган “Хизматлар” ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган “Хизматлар” нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай “Хизматлар” “БУЮРТМАЧИ” нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган “Хизматлар” кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.5. Кўрсатилган “Хизматлар” бевосита “БУЮРТМАЧИ” нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган “Хизматлар” миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.6. Шартномада назарда тутилган “Хизматлар” кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки “БУЮРТМАЧИ” нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда “БАЖАРУВЧИ” Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома “Хизматлар” нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин масъул ходим (чопар) орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани масъул ходим (чопар) орқали қабул қилишда “БАЖАРУВЧИ” нинг ходими “БУЮРТМАЧИ” да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.7. “БУЮРТМАЧИ” илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд “Хизматлар”нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда “БАЖАРУВЧИ”ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 3 кун олдин хабардор қилади.

### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Кўрсатилаётган “Хизматлар” сифати, миқдори “БАЖАРУВЧИ” томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиш ҳоллари аниқланган тақдирда “БАЖАРУВЧИ” кўрсатилаётган “Хизматлар” нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади.

5.2. “Хизматлар” кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун “БАЖАРУВЧИ” “БУЮРТМАЧИ” га кўрсатилиши керак бўлган “Хизматлар”нинг 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Хизматлар кўрсатилиши кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда “БАЖАРУВЧИ” “БУЮРТМАЧИ”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган “Хизматлар” қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур



тарзда бажаришдан ва “Хизматлар” кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлик кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар копланишидан озод этмайди.

5.4. Кўрсатилган “Хизматлар” учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда “БУЮРТМАЧИ” “БАЖАРУВЧИ”га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган ҳолатларда тарафлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ҳамда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятинининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни талаблари асосида жавобгар бўладилар.

## 6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар ўзаро ҳал этилмаган келишмовчиликлар ва низолар юзасидан бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

## 7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Ушбу шартнома иккала томондан имзоланиб, муҳрланиб, Ҳазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга кирилади ва 2022 йил “31” декабргача амал қилади.

7.2. Томонлар ўртасида муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлик тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## 8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра қўшимча келишув (қамайтириш; кўпайтириш) шартномаси тузилиши ёки томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

### “БАЖАРУВЧИ”

“Мухаммад Мурод келажаги” МЧЖ

Манзили: Қизилтепа тумани “Х.Ҳасан” МФЙ

Телефон: 91-309-21-00

Ҳ.р: 22208000504521816001

Банк номи: Навоий ш Агробанк АТБ

МФО: 00197 СТИР: 206686545

Раҳбар:



### “БУЮРТМАЧИ”

“Навоий вил Мактабгача таълим бошқармаси”

Телефон: 79-220-14-75

Ҳ.р: 100021801240017091100251001

Тошкент шаҳар Марказий

банк ХККМ

МФО: 00014 СТИР: 305135104

Бошқик: У.Тиллаев



У.А.Хасанов



**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 34581 на приобретение Юк машинаси билан буюртмачи буюртмасига биноан кўмирни давлат МТТларга белгиланган манзилга етказиш хизматини кўрсатиш**

Способ проведения электронный

Дата 28.02.2022

Время рассмотрения 28.02.2022 09:46

Конкурсная комиссия Навоий вилоят Мактабгача таълим бошқармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	TILLAYEV UTKIR UKTAMOVICH	Бошқарма бошлиғи	Навоий вилояти Мактабгача таълим бошқармаси
<b>Секретарь комиссии</b>	JURAYEVA GULNOZA ZOPIROVNA	Хисобчи	Навоий вилояти Мактабгача таълим бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	KARIMOV SIROJIDDIN BAXRIDDINOVICH	Курилиш, жиҳозлаш ва бинолардан фойдаланишни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи	Навоий вилояти Мактабгача таълим бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	MIRZAYEV SHAVKAT SOBIROVICH	Иқтисодчи	Навоий вилояти Мактабгача таълим бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	AXMEDOV HAMDULLA ABDINABIYEVICH	Юридик бўлим бошлиғи	Навоий вилояти Мактабгача таълим бошқармаси
<b>Член комиссии</b>	XOLOV RAXMON MARDONOVICH	Бош ҳисобчи	Навоий вилояти Мактабгача таълим бошқармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 28.02.2022 года № лота 34581.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 50.00 / Весовой коэф. ценовой части: 50.00)

Мин. балл: 65

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по перевозке грузов</b>
Подробное описание	Тегишли ДМТТларга кўмир ташиш
Количество товара	62 977.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	900.00
Стартовая сумма	56 679 300.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие

баллы:

Критерий №1 Юк машиналари сони

Тип: Текстовое значение

Описание: 5 тадан кам булмаслик керак. Техник топширик бажарилиши керак

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MUXAMMAD MUROD KELAJAGI МЧЖ	35	6 та юк машинаси бор	26	Экспертная		
Navoiy best company	35	Юк машиналар сони 5 дона	19	Экспертная		

Критерий №2 Хайдовчи иш стажи

Тип: Текстовое значение

Описание: камида 3 йил булиши керак

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MUXAMMAD MUROD KELAJAGI МЧЖ	30	6 та хайдовчиларнинг барчаси иш стажи 3 йилдан кам эмас.	25	Экспертная		
Navoiy best company	30	5 та хайдовчи стажи 3 йилдан кам эмас.	20	Экспертная		

Критерий №3 Юк ташиш муддати

Тип: Текстовое значение

Описание: 10 кун ичида тўлиқ ташиб берилиши керак

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MUXAMMAD MUROD KELAJAGI МЧЖ	35	10 (ўн) кун. Кафолат хати илова қилинади	30	Экспертная		
Navoiy best company	35	10 (ўн) кун. Кафолат хати илова қилинади	29	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости, (балл)
Navoiy best company	56 679 300.00	56 679 300.00	26.02.2022 18:21:35	48.89

MUXAMMAD MUROD KELAJAGI MЧЖ	56 679 300.00	55 419 760.00	26.02.2022 17:32:06	50.00
--------------------------------	---------------	---------------	------------------------	-------

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
Navoiy best company	34	48.89	82.89
MUXAMMAD MUROD KELAJAGI MЧЖ	40.5	50	90.5

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 34581 от 28.02.2022 года на приобретение Юк машинаси билан буюртмачи буюртмасига биноан кўмирни давлат МТТларга белгиланган манзилга етказиш хизматини кўрсатиш определила победителем:

MUXAMMAD MUROD KELAJAGI MЧЖ  
206686545

и резервный исполнитель: Navoiy best company (306004851)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Член комиссии	AXMEDOV HAMDULLA ABDINABIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	KARIMOV SIROJIDDIN BAXRIDDINOVICH	Согласен	
Председатель комиссии	TILLAYEV UTKIR UKTAMOVICH	Согласен	
Член комиссии	MIRZAYEV SHAVKAT SOBIROVICH	Согласен	
Член комиссии	XOLOV RAXMON MARDONOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП